

173674

**ШАРТНОМА № 68**  
**(Транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашга доир)**

2022 йил “ 09 ” ноябрь

Фарғона шаҳри

Фарғона туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси номидан Устав асосида ҳаракат қилувчи корхона директори А.Зикрияев (кейинги ўринларда Буюртмачи деб номланади) бир томондан, “GREENN WHITE” МСНЈ масъулияти чекланган жамияти номидан Низом асосида ҳаракат қилувчи жамият раҳбари У.Ханкелдиев (кейинги ўринларда Бажарувчи деб номланади) иккинчи томондан бўлиб, қуйидаги шартномани туздилар;

### 1.Шартнома предмети

1.1.Мазкур шартномага мувофиқ «Буюртмачи» ўзига тегишли бўлган транспорт воситаларига (Бульдозер UzXCMG TY230) техник хизмат кўрсатилиши ва таъмирлаш учун буюртма беради, «Бажарувчи» эса транспорт воситасиларга техник хизмат кўрсатади ва таъмирлаш ишларини бажаради.

### 2. Шартнома қиймати ва тўлов тартиби

- 2.1.Шартнома баҳоси 82 000 000 (Саксон икки миллион ) сўмни ташкил қилади.
- 2.2.Бажарилган иш кўрсатилган хизмат қиймати тарафларнинг эхтиёжи ва қўшимча келишувга кўра қўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.
- 2.3.Тўлов бажарилгандан ишлар далолатномаси тузилгандан сўнг амалга оширилади.
- 2.5.Тўлов тартиби нақд пул ёки пул ўтказиш йўли орқали билан амалга оширилади.

### 3.Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### 3.1.Бажарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

- а) Ушбу шартномага мувофиқ тарзда хизмат кўрсатиш;
- б) Хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини 10 (ўн) кун ичида бажарилишини таъминлаш;
- в) бажарилган ишлар яқунлангандан сўнг далолатнома асосида «Буюртмачи»га топшириш;
- г) «Бажарувчи» транспорт воситасини шартномада кўзда тутилган муддат давомида сифатли таъмирланишини кафолатлайди. Бир йил давомида таъмирлаб берилган транспорт воситаси бузилган тақдирда «Бажарувчи» ўзини ҳисобидан бепул таъмирлаб бериш мажбуриятини олади.Транспорт воситасидан фойдаланувчи айби билан юзага келадиган турли хил носозликлар (автоавария, табиий офат) бундан мустасно.

#### 3.2. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

- а) «Бажарувчига» ушбу шартномада белгиланган муддатда ҳисоб-китоб қилиш;
- б) кўрсатилган хизматларни амалдаги қонунларга риоя қилган ҳолда сифати ва миқдори бўйича қабул қилинишини таъминлаш;
- в) «Бажарувчидан» ушбу шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган мажбуриятларни оқилона тарзда бажарилишини талаб қилиш.

### 4.Томонлар жавобгарлиги ва низоларни ҳал этиш тартиби

4.1.Шартнома шартларига риоя қилинмаганда ёки хизматлар кўрсатилмаганда айбдор тараф иккинчи тарафга ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдоридан бироқ тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаган ҳолда пеня тулайди.

4.2. Тарафлар шартнома мажбуриятларини ўз вақтида ва белгиланган тартибда бажармаслиги натижасида келиб чиққан ҳолларда тўлиқ модий жавобгар бўладилар.

4.4. Тарафларнинг моддий жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Қонун билан тартибга солинади.

4.5. Шартноманинг тузилишида ва унинг бажарилишида келиб чиққан барча келишмовчиликлар Фарғона туманлараро иқтисодий суди орқали ҳал қилинади.

## 5. Форс-мажор ҳолатлари

5.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

5.2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

## 6. Шартноманинг бошқа шартлари

6.1. Ушбу шартнома билан тартибга солинмаган муносабатлар амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди ва тарафларда бир нусхадан сақланади.

6.3. Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабр кунига қадар амал қилади.

## 7. Томонлар манзилгоҳлари ва тўлов реквизитлари

### “БУЮРТМАЧИ”

### “БАЖАРУВЧИ”

<p><b>Фарғона туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси</b></p> <p><b>Манзили: Фарғона шаҳар Мустақиллик кўчаси 350-Г-уй</b></p> <p><b>Ҳ/Р: 20210000900210835001</b></p> <p><b>МФО:00493</b></p> <p><b>СТИР: 207197217</b></p> <p><b>ТИФ “Миллий банк” Фарғона бўлими</b></p> <p>Директор  <b>А.Зикрияев</b></p> 	<p><b>“GREENN WHITE” МСНҲ масъулияти чекланган жамияти</b></p> <p><b>Кувасай шаҳар, Дўстлик МФЙ, Андижон кўчаси, 72-уй</b></p> <p><b>Ҳ/Р: 202080007050727111001</b></p> <p><b>МФО: 01128</b></p> <p><b>СТИР: 309880940</b></p> <p><b>Фарғона ш., ЧЭКИ “Invest finance bank” АТБ Фарғона вилоят филиали</b></p> <p>Директор  <b>У.Ханкелдиев</b></p>  <p><b>М.Ў.</b></p>
---	---